

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**ШАВКИЕВ ЖАЛОЛИДДИН ШАМСУТДИН ЎҒЛИ**

***G. HIRSUTUM* L. VA *G. BARBADENSE* L. ТУРЛАРИ  
ГЕНОТИПЛАРИНИНГ СУВ ТАНҚИСЛИГИГА ФИЗИОЛОГИК ВА  
МОРФОХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА РЕАКЦИЯСИ**

**03.00.07– Ўсимлик физиологияси ва биокимёси**

**03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шавкиев Жалолиддин Шамсутдин ўғли**

*G. hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турлари генотипларининг сув танқислигига физиологик ва морфоўжалик белгилари бўйича реакцияси .....3

**Шавкиев Жалолиддин Шамсутдинович**

Реакция генотипов видов *G. hirsutum* L. и *G. barbadense* L. к водному дефициту по физиологическим и морфохозяйственным признакам.....21

**Shavkiev Jaloliddin Shamsutdin ugli**

Reaction physiological and morpho-economic traits to water deficit of genotypes of types of *G. hirsutum* L. and *G. barbadense* L.  
.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....45

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**ШАВКИЕВ ЖАЛОЛИДДИН ШАМСУТДИН ЎҒЛИ**

***G. HIRSUTUM* L. VA *G. BARBADENSE* L. ТУРЛАРИ  
ГЕНОТИПЛАРИНИНГ СУВ ТАНҚИСЛИГИГА ФИЗИОЛОГИК ВА  
МОРФОХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ БЎЙИЧА РЕАКЦИЯСИ**

**03.00.07– ўсимлик физиологияси ва биокимёси  
03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/В213 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.genetika.uz](http://www.genetika.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Набиев Сайдиғани Мухторович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Азимов Абдулаҳат Абдужаббарович**  
биология фанлари доктори, кат.и.х.

**Расмий оппонентлар:**

**Қаххоров Иззатулло Тилолович**  
қишлоқ хўжалик фанлар доктори, к.и.х.

**Хамраев Нурбек Улуғбекович**  
биология бўйича фалсафа фанлар доктори,  
к.и.х.

**Етакчи ташкилот:**

**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва  
етиштириш агротехнологиялари илмий-  
тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз а/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс (+99871) 264-23-90; e-mail: [igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz)).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз. а/б, Тел.: (+99871) 264-23-90.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.А. Нариманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
к/х.ф.д., профессор

**С.К.Бабоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, б.ф.д., профессор

**Ш. Юнусханов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари биосферада ҳаво ҳароратининг ошишини, ёз ойларида нисбий намликнинг кескин пасайишидан вужудга келадиган иссиқ шамоллар эса атмосфера ва тупроқ қурғоқчилигини келтириб чиқармоқда. Сув муаммоси жиддий бўлган ҳозирги даврда сув тежамкор агротехнологияларни яратиш ва жорий қилиш, жумладан, тупроқ ва атмосфера қурғоқчилигига чидамли ҳамда сувдан самарали фойдаланиш коэффициенти юқори бўлган ғўза навларини яратиш дунё пахтачилигининг энг долзарб вазифалари сифатида қаралмоқда.

Жаҳонда асосий қишлоқ хўжалик экинларидан бири бўлган ғўзанинг замон талабига мос навларини яратишда анъанавий генетик-селекцион усулларни физиологик тадқиқотлар билан уйғунлаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада асосий пахта майдонини эгаллаган ўрта толали ғўза навлари билан бир қаторда, уларга нисбатан тола технологик кўрсаткичлари ва муҳитнинг стресс омилларига чидамлиги юқори бўлган ингичка толали ғўза генофонди манбаларини қўллаш, сув танқислигига маданий ғўза турларининг навлари, тизмалари ва дурагайлариининг морфобиологик белгилари бўйича реакцияларини аниқлаш, чидамли генотипларни ажратиш олиш ва селекция ишларига жалб этиш бу қимматбаҳо техник экиннинг қурғоқчиликка чидамли навларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда генетик-селекционер олимларимиз томонидан кўплаб ғўза навлари яратилиб, ва ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасини Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида<sup>1</sup> «маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларига мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекцион навларини яратиш ва жорий этиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни бажаришда ўрта ва ингичка толали ғўза нав ва тизмаларининг морфобиологик белгилари бўйича сув танқислигига реакциясини уларнинг туричи дурагайларида бу белгиларининг ирсийланишини ва корреляциясини ўрганиш асосида селекцион истиқболли ашёлар олиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-170-сон “Сурхондарё вилоятида ингичка толали пахта етиштиришни илмий асосда амалга ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПҚ-106-сон “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони

амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишга боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муоммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Gossypium L.* туркумига мансуб *G. hirsutum L.* ва *G. barbadense L.* турларида сув танқислиги шароитида морфобиологик, физиологик, биокимёвий ҳамда генетик тадқиқот ишлари кўплаб хорижий ва МДХ давлатларининг олимлари (J. A. Thomson, 2003; Ж. П. Мелькумова, 2003; Н Zhang, 2004; М. Farooq, 2009; И. С. Каримова, 2009; D.A. Loka, 2010; В.Т. Cambell, 2010; L. Zang, 2010; А. Д. Комилов, 2012; С. И. Иброгимова, 2013; М. Maisura, 2014; Chandarant Singh, 2015; V. Sezeher, 2015; М. А. Saleem, 2015; Т. А. Malik, 2015; R.A. Nasima, 2016; J. H. Zonta, 2017; М. Ю. Баротов, 2020) томонидан олиб борилган. *G. hirsutum L.* ва *G. barbadense L.* турларига мансуб тизмалардан қурғоқчиликка чидамли навлар олган.

Республикада ёўза навлари ва дурагайларида қурғоқчиликка чидамлиликнинг генетик, физиологик ва биокимёвий хусусиятлари, уларнинг ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлигига сув танқислигининг таъсири қатор тадқиқотчилар (Х.С. Самиев, 1979, 1984, 1987, 1991; Е.А. Попова, 1970, 1981; А.Э. Холлиев, 2005, 2009, 2011, 2016; Ш. Юнусханов, 2019, 2020; С.М. Набиев 2006, 2007, 2012, 2020; Ж.Х. Хўжаев, 2004; Н.Г. Губанова, 1997, 2009; Т.Т. Усманов, 2008, 2009; О.Э. Қўчқоров, 2009; Ш.А. Хамдуллаев, 2021; ва Х.Х. Матниязова, 2019, 2022) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Турли морфо-биологик хусусиятга эга ёўза навлардан сув танқислигига чидамли генотиплари олинган.

Бироқ, ёўзанинг *G. hirsutum L.* туричи дурагайларида қурғоқчиликка чидамлилик хусусиятини ота-она шаклларида чидамлилик даражаларига боғлиқ ҳолда физиологик ва морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, *G. barbadense L.* турининг янги тизмаларида чидамлиликнинг физиологик хусусиятларини қимматли-хўжалик белгиларига боғлаган ҳолда донорлик хусусиятига эга қимматли ашёларни ажратиш олиш борасидаги тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация илмий-тадқиқот муассасининг илмий—тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг МВ-ФА-А-ҚХ-2018-25 «Ингичка толали ёўзанинг тезпишар, серҳосил, толаси I ва II типга мансуб ва чиқими юқори, гармселга чидамли янги тизмаларни яратиш ва уларни селекцияда қўллаш» мавзусидаги амалий (2018-2020 йй.) лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўрта ва ингичка толали ёўза генотипларининг сув танқислигига физиологик ва морфо-хўжалик белгилари бўйича

реакцияларини аниқлаш ва унинг асосида селекцион истиқболли ашёларни олишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.**

*G. hirsutum* L. турига мансуб ғўза навларининг ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича сув танқислигига чидамлилиқ даражаларини аниқлаш;

Сув танқислигига чидамлилиги турлича бўлган навларда ўсимлик сув алмашувининг физиологик кўрсаткичларини ва морфо-хўжалик белгиларни аниқлаш;

Сув танқислигига чидамлилиги турлича бўлган навларнинг  $F_1$  дурагайларида физиологик ва морфо-хўжалик белгиларнинг гибридологик таҳлили;

Ўрта толали ғўза навлари ва  $F_1$  дурагайлари гуруҳларида физиологик ва морфо-хўжалик белгиларининг ўзаро корреляциясини аниқлаш;

Сув танқислигига чидамлилиги турлича бўлган ғўза навларининг  $F_2$  дурагайларида айрим қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик кўламини, бу белгиларнинг наслдан-наслга берилиши даражасини аниқлаш ва янги ирсий асосга эга селекцион ашёларни ажратиб олиш;

Ингичка толали ғўза янги тизмаларининг физиологик ва морфо-хўжалик белгилари бўйича сув танқислигига генотипик реакцияларини, сув танқислигида ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича мослашувчанлик гетерозисига эга  $F_1$  комбинацияларини аниқлаш ва гетерозис селекцияси учун тавсия этиш;

Ингичка толали ғўзанинг сув танқислигига чидамли, тезпишар ва серҳосил, янги ирсий асосга эга тизмаларини ажратиб олиш ва селекцион жараёнда қўллаш:

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ғўзанинг ўрта толали *G. hirsutum* L. турига мансуб Ишонч, Навбахор-2, Тошкент-6, С-6524 навлари, уларнинг диаллел  $F_1$ - $F_2$  дурагайлари, ингичка толали *G. barbadense* L. турига мансуб Т-1, Т-5440, Т-2006, Т-10, Т-167, Т-5445, Т-450, Т-663 тизмалари, андоза Сурхон-14 нави ва уларнинг  $F_1$  дурагайлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўрта ва ингичка толали ғўзанинг нав ва тизмаларининг сув танқислигига физиологик ва морфо-хўжалик белгилари бўйича генотипик реакцияларини, уларнинг дурагайларида белгилар ва чидамлилиқ ирсийланишининг таҳлили ташкил этган.

**Тадқиқотнинг услублари.** Диссертацияда ғўза генетикасининг тур ичида дурагайлаш ва ғўза селекциясининг яқка танлаб олиш услублари, ғўза навлари ва уларнинг дурагайларида физиологик-биокимёвий ва морфо-хўжалик белгиларининг қиёсий ва гибридологик таҳлили ва генетик-статистик таҳлилларнинг Стеел ва Доспеҳов усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор сув танқислигига чидамли Ишонч ва Навбахор-2 ғўза навлари ва уларнинг ўзаро реципрок  $F_1$  дурагайларида чидамсиз С-6524 ва Тошкент-6 ғўза навлари ва уларнинг  $F_1$  дурагайларига нисбатан барглардаги пролин аминокислотаси ва каротиноидларнинг миқдори кўпроқ ошганлиги,

малонилдиальдегид миқдори камроқ синтезлангани ва уларнинг барглари юқори электр ўтказувчанликка эга эканлиги исботланган;

сув танқислигида ғўза навларининг  $F_1$  дурагайларида барглардаги транспирация жадаллиги белгиси ижобий тўлиқ доминантлик, баргларнинг сув ушлаш хусусияти ижобий ўта доминантлик, барг тўкималарининг электр ўтказувчанлиги, пигментлар миқдори ижобий ва салбий ўта доминантлик ҳамда тўлиқсиз доминантлик, пролин миқдори паст кўрсаткичли навнинг тўлиқсиз доминантлиги ва салбий ўта доминантлик, малонилдиальдегид миқдори эса ижобий ўта доминантлик ҳолатларида ирсийлангани ва ўрганилган физиологик белгилар бўйича муҳит вариансаси генотипик вариансага нисбатан паст эканлиги аниқланган;

сув танқислигида маҳсулдорлик ва бошқа қимматли-хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга ўсимликлар фоизи чидамли Ишонч ва Навбаҳор-2 навларининг ўзаро  $F_2$  комбинацияларида юқори бўлганлиги асосида бу навлардан ғўзанинг қурғоқчиликка чидамлилик селекциясида бошланғич ашё сифатида фойдаланилган;

сув танқислигида ингичка толали ғўзанинг  $F_1$  дурагайларида барглардаги умумий сув миқдори ва транспирация жадаллиги белгилари асосан, ижобий ўта доминантлик ва юқори кўрсаткичли шаклнинг тўлиқсиз доминантлиги, баргларнинг сув ушлаш хусусияти ва ўсимлик маҳсулдорлиги белгилари салбий ва ижобий ўта доминантлик ҳолатларида ирсийлангани, баъзи  $F_1$  комбинацияларида ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича гетерозис самараси юқори бўлиб, 154,1% дан 166,9% гачани ташкил этган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сув танқислиги шароитида ўрта толали Ишонч ва Навбаҳор-2 ғўза навлари ва уларнинг реципрок  $F_2$  Ишонч х Навбаҳор-2 ва  $F_2$  Навбаҳор-2 х Ишонч дурагай комбинацияларидан хўжалик белгиларининг юқори кўрсаткичлари бўйича чидамлилик селекцияси учун қимматли бошланғич ашёлар ажратиб олинган;

Ингичка толали ғўза навлари ва тизмаларининг  $F_1$  авлодидан ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича юқори гетерозис самарасига эга комбинациялар ажратиб олинган;

Сув танқислигида битта кўсақдаги пахта оғирлиги, тола узунлиги, микронейр, ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича андоза Сурхон-14 навидан устун бўлган ингичка толали Бўстон (Т-663) ва Дурдона-2 (Т-77) навлари ЎЗР ҚХВ навлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** изланишларда қўлланилган усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, илмий тадқиқотлар натижаларининг республика ва халқаро илмий анжуманлардаги муҳокамаси ва етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг замонавий статистик таҳлили билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрта толали ғўза навларининг физиологик ва

морфоҳўжалик белгилари бўйича сув танқислигига генотипик реакциялари даражаси ва бу белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар аниқлангани, чидамлилиги турлича бўлган навларнинг F<sub>1</sub> дурагайларида физиологик ва морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши, корреляцияси, F<sub>2</sub> дурагайларида айрим қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги, наслдан-наслга берилиш даражаси, ота-она ва дурагай генотипларининг белгилар бўйича фенотипик, генотипик ва мухит вариансалари аниқлангани, янги ингичка толали ғўза тизмаларининг сув танқислигига физиологик ва қимматли-хўжалик белгилари бўйича генотипик реакциялари хусусиятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрта толали ғўзанинг курғоқчиликка чидамлилиқ генетикаси ва селекциясида чидамли Ишонч ва Навбаҳор-2 навларидан фойдаланиш самараси кўрсатиб берилгани, уларнинг F<sub>1</sub> дурагайларида ўсимлик маҳсулдорлиги юқори бўлиши ва F<sub>2</sub> авлодидан хўжалик белгилари бўйича қимматли ашёлар ажратиб олиш имконияти юқорилиги аниқлангани, ингичка толали ғўза нав ва тизмаларининг сув танқислигига физиологик ва морфо-хўжалик белгилари бўйича мослашувчанлик даражаларига қиёсий баҳо берилгани, сув танқислигига чидамли толали Бўстон нави (Т-663) ва Дурдона-2 (Т-77) навлари яратилгани ва ишлаб чиқаришга жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши.** Ғўзанинг *G. hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турлари генотипларининг сув танқислигига физиологик ва морфоҳўжалик белгилари бўйича реакциясини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги ирсий асосга эга ингичка толали, сув танқислигига чидамли, тезпишар, ҳосилдор ва юқори сифатли толага эга бўлган “Бўстон” (Т-663) ва “Дурдона-2” (Т-77) ғўза навлари яратилиб, «Ғўза генофонди» ноёб объекти коллекциясига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 24 февралдаги 4/1255-439-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу навлар ингичка толали ғўза коллекцияси хилма-хиллигини бойитиш имконини берган;

Ғўзанинг *G. barbadense* L. турига мансуб янги “Бўстон” нави 2021 йилда Зангиота тажриба станциясида 0,75 гектар майдонга кўпайтириш учун жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 2 мартдаги 02/22-04/940-сон маълумотномаси). Натижада, янги ингичка толали “Бўстон” ғўза навидан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияси

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**дўзанинг *G. hirsutum* L ва *G. barbadense* L генотипларининг физиологик-биокимёвий ва морфо-хўжалик белгиларига сув танқислигининг таъсири**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида республика, МДд ва хорижий давлатлар олимларининг *G.hirsutum* L. ва *G.barbadense* L. турига мансуб ғўза генотипларида морфофизиологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ҳамда ўзгарувчанлигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлари шарҳи келтирилган. дўза генетикаси ва селекцияси соҳасида олинган натижалар, жумладан, ғўзанинг морфофизиологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланиш характери ва уларнинг амалий селекция жараёнларида қўлланилиши борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари маълумотлари чуқур таҳлилий асосда ёритиб берилган. Кейинги йилларда ғўзанинг сув танқислигига чидамлилиги турлича бўлган генотипларида морфофизиологик ва қимматли-хўжалик белгиларининг ирсийланишини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар қарийиб олиб борилмагани таъкидланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жой ва шароитлари, манбалари ва услублари батафсил ёритилган. *G. hirsutum* L. турига мансуб, ирсий жиҳатдан келиб чиқиши ва сув танқислигига чидамлилиги турлича бўлган Ишонч, Навбахор-2, Тошкент-6 ва С-6524 навлари, F<sub>1</sub>-F<sub>2</sub> дурагайлари ҳамда *G.barbadense* L. турига мансуб ингичка толали ғўзанинг янги Т-1, Т-5440, Т-2006, Т-10, Т-167, Т-5445, Т-450, Т-663 тизмалари, андоза Сурхон-14 нави ва уларнинг F<sub>1</sub> дурагайлари тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилган. Изланишларда ғўза генетикаси ва селекциясининг усуллари, жумладан, дурагайлаш ва гибридологик таҳлил усулларидан фойдаланилган. F<sub>1</sub> авлод дурагайларида белгилар бўйича доминантлик даражаси (hp), навлар

ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси бўйича комбинацион қобилияти, белгилар ўртасидаги корреляция коэффицентлари ( $r$ ), вариация ( $V$ ) коэффицентлари, наслдан-наслга берилиши ( $h^2$ ) даражалари, Фенотипик, генотипик ва муҳит вариантларининг коэффицентлари аниқланган. Ғўза нав ва дурагайлари белгиларининг дисперсион таҳлили (R.G. Steel et al., 1997 ва Б.А.Доспехов, 1985) ўтказилди. Бунда ҳар бир белги бўйича генотиплар ўртасидаги фарқлар ишончлилиги Фишер критерияси ( $F$ ), тажрибанинг умумий хатоси ( $SD$ ), ўртача кўрсаткичларнинг фарқланиш хатоси ( $SE$ ) ва энг кичик ишончли фарқланиш ( $P \leq 0.05^*$ ,  $P \leq 0.01^{**}$  ва  $P \leq 0.001^{***}$ ) даражалари билан аниқланди.

Диссертациянинг «**Ўрта толали ғўза навларининг сув танқислигига генотипик реакцияси,  $F_1$  дурагайларида физиологик ва морфо-хўжалик белгиларининг,  $F_2$  дурагайларида айрим қимматли-хўжалик белгиларининг гибридологик таҳлили**» деб номланган учинчи бобида *G.hirsutum* L. турига мансуб, сув танқислигига чидамлиги турлича бўлган навларнинг  $F_1$  ўсимликларида физиологик ва хўжалик белгиларнинг ирсийланиши,  $F_2$  ўсимликларида қимматли-хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлик кўлами бўйича олинган маълумотлар ва уларнинг гибридологик таҳлили баён этилган.

Бобнинг биринчи бўлимида ўрта толали ғўза навларининг сув танқислигига чидамлилиги даражаларининг турли кўрсаткичлари натижалари келтирилган (1-жадвал). Ўрта толали Ишонч ва Навбаҳор-2 ғўза навлари Наманган-77, Тошкент-6, С-6524 навларига нисбатан сув танқислигига чидамли эканлиги аниқланди.

Бобнинг иккинчи бўлимида турли сув режими шароитларида курғоқчиликка чидамлилиги турлича бўлган ўрта толали ғўза навлари ўсимлик баргларидаги хлорофилл “а”, хлорофилл “б”, умумий хлорофилл, каротиноид, пролин ва малонилдиалдегид миқдорлари ва ўсимлик маҳсулдорлиги, битта кўсақдаги пахта оғирлиги, битта кўсақдаги чигит сони, ўсимлик кўсақ сони, тола узунлиги, тола чиқими, 1000 дона чигит оғирлиги кўрсаткичлари ва улар ўртасидаги ўзаро корреляция натижалар келтирилган.


Бобнинг учинчи бўлимида сув билан турлича таъминланганлик шароитларида сув танқислигига чидамлилиги турлича бўлган ғўза генотипларининг  $F_1$  авлодида физиологик ва морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва корреляцияси, белгиларнинг фенотипик, генотипик ва муҳит вариантларининг коэффицентлари баён этилган.

Ғўза навлари ўсимликларининг баргларидаги пролин миқдори сув билан оптимал таъминланганлик шароитида Тошкент-6 ва С-6524 навларида энг юқори (мос равишда  $192,45 \pm 1,15$  мкг/г ва  $209,24 \pm 2,89$  мкг/г), Ишонч ва Навбаҳор-2 навларида энг кам (мос равишда  $122,62 \pm 0,87$  мкг/г ва  $144,0 \pm 1,15$  мкг/г) бўлди. Сув танқислиги шароитида белгининг энг паст кўрсаткичлари Тошкент-6 ва С-6524 навларида (мос равишда  $213,09 \pm 2,89$  мкг/г ва  $225,34 \pm 2,31$  мкг/г), энг юқори кўрсаткичлари эса Ишонч ва Навбаҳор-2 навларида (мос равишда  $256,41 \pm 2,89$  мкг/г ва  $264,72 \pm 1,73$  мкг/г) бўлди.

Ѓўза навларининг сув танқислигига чидамлилигини баҳолаш  
кўрсаткичлари

Ѓўза навлари	Ўртача маҳсулдорлик кўрсаткичи (г)	Маҳсулдорлик индекси кўрсаткичи	Маҳсулдорлик стабиллик индекси кўрсаткичи	Стрессга бардошлилик кўрсаткичи	Стрессга таъсирчанлик кўрсаткичи	Стрессга таъсирчанлик индексининг физик кўрсаткичи	Қурғоқчиликка чидамлик индекси кўрсаткичи	Қурғоқчиликка нисбий чидамлик индекси кўрсаткичи
Наманган-77	60,31	1,01	0,54	0,58	1,03	23,74	0,55	0,97
Ишонч	60,83	1,21	0,72	0,63	0,63	13,15	0,87	1,29
Навбахар-2	60,52	1,19	0,70	0,63	0,67	13,94	0,84	1,26
С-6524	56,94	0,84	0,45	0,49	1,24	28,53	0,38	0,81
Тошкент-6	56,40	0,83	0,44	0,48	1,25	28,74	0,37	0,80

Ғ<sub>1</sub> дурагайлари ўсимликларининг баргларидаги пролин миқдори бўйича сув танқислигида энг юқори кўрсаткичлар Ишонч х Навбахар-2 ва Навбахар-2 х Ишонч комбинацияларида (мос равишда 259,16±1,15 мкг/г ва 257,74±1,15 мкг/г), сув билан оптимал таъминланганлик шароитида эса Ишонч х Навбахар-2 ва Тошкент-6 х Ишонч комбинацияларида (мос равишда 178,33±2,89 мкг/г ва 181,28±2,89 мкг/г) аниқланди. Турли сув режими шароитларида белгининг энг паст кўрсаткичларига Тошкент-6 х С-6524 ва С-6524 х Ишонч комбинациялари (мос равишда 99,06±1,73 мкг/г; 196,14±2,02 мкг/г ва 103,99±2,89 мкг/г; 160,55±0,58 мкг/г) эга бўлдилар (1-расм).



1-расм. Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ўрта толали ғўза навлари ва Ғ<sub>1</sub> дурагайларидаги пролин миқдори кўрсаткичи

Оптимал сув режими шароитида ғўза навлари ўсимликларининг баргларидаги малонилдиалдегид миқдорининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент-6 ( $45,18 \pm 2,31 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг) навида, энг паст кўрсаткичи эса Навбахор-2 навида ( $30,79 \pm 0,87 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг) бўлди. Сув танқислигида белгининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент-6 навида ( $154,31 \pm 1,44 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг), энг паст кўрсаткичи эса Навбахор-2 навида ( $77,51 \pm 1,15 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг) аниқланди (2-расм).

F<sub>1</sub> дурагайлари ўсимликларининг баргларидаги малонилдиалдегид миқдори бўйича сув билан оптимал таъминланганлик шароитида энг юқори кўрсаткич Навбахор-2 х Ишонч комбинациясида ( $43,54 \pm 1,44 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг), энг паст кўрсаткич эса Тошкент-6 х Ишонч комбинациясида ( $30,9 \pm 1,15 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг) қайд қилинди. Сув танқислиги шароитида белгининг энг юқори кўрсаткичлари Тошкент-6 х С-6524, С-6524 х Ишонч, С-6524 х Навбахор-2 ва С-6524 х Тошкент-6 комбинацияларида (мос равишда  $192,5 \pm 1,44 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг;  $188,65 \pm 1,44 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг;  $197,99 \pm 2,02 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг;  $192,35 \pm 1,44 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг), энг паст кўрсаткичлари эса Ишонч х Навбахор-2 ва Ишонч х Тошкент-6 комбинацияларида (мос равишда  $75,15 \pm 1,73 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг ва  $98,62 \pm 1,44 \cdot 10^{-5}$  мМоль/мг) бўлди.



2-расм. Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ўрта толали ғўза навлари F<sub>1</sub> дурагайлариининг ўсимликларининг баргларидаги малонилдиалдегид миқдори

Таърибамиздан аниқландики, сув танқислиги шароитида Тошкент-6 ва С-6524 навлари ва уларнинг оналик шакли сифатида кўплаб олинган дурагайлари ўсимликларининг баргларида малонилдиалдегид кўп миқдорда ҳосил бўлди.

Ўрганилган қимматли-хўжалик белгилари бўйича ота-оналар ва F<sub>1</sub> дурагайлариининг ўртача кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган. Оптимал сув режими шароитида ота-она навлари ва F<sub>1</sub> дурагайлари ўртасида битта ўсимликдаги кўсақлар сони мос равишда 14,80-17,35 донагача ва 14,50-19,20

донагача ўргариши аниқланди. Ота-она генотипларида битта ўсимликдаги энг кўп кўсак сони С-6524 (17,35 дона) ва Тошкент-6 (16,95 дона) ва Ишонч (16,45 дона) навларида, энг кам кўсак эса Навбахор-2 навида (14,80 дона) бўлди. F<sub>1</sub> дурагайларида белгининг энг юқори кўрсаткичлари Тошкент-6 × Ишонч (19,20 дона) ва Тошкент-6 × Навбахор-2 (17,30 дона), комбинацияларида кўсакларнинг энг кам сони оптимал сув режими шароитида Навбахор-2 × Ишонч (14,50 дона) комбинациясида қайд этилди. Сув танқислиги шароитида ота-она навлари ва F<sub>1</sub> дурагайларида кўсаклар сони мос равишда 7,90-11,50 дона ва 7,05-12,80 донагача бўлган оралик ҳолатларда ўзгариши аниқланди (2-жадвал). Ота-она генотипларида энг кўп кўсаклар сони Ишонч (11,50 дона) ва Навбахор-2 (10,30 дона) навларида бўлган бўлса, С-6524 навида 8,30 донани ташкил этди. Битта ўсимликдаги энг кам кўсаклар сони Тошкент-6 навида (7,90 дона) аниқланди. F<sub>1</sub> дурагайлари орасида белгининг энг юқори кўрсаткичлари Ишонч × Навбахор-2 (12,80 дона), Ишонч × С-6524 (11,25 дона) ва Навбахор-2 × Ишонч (10,30 дона) комбинацияларида қайд этилди. Сув танқислиги шароитида Тошкент-6 × С-6524 комбинациясида битта ўсимликдаги кўсаклар сони энг кам (7,05 дона) бўлди (2-жадвал).

Сув танқислиги шароитида энг юқори ўсимлик маҳсулдорлиги Навбахор-2 (42,14 г) ва Ишонч (42,09 г) навларида, энг паст кўрсаткичлар эса Тошкент-6 (27,17 г) ва С-6524 (27,10 г) навларида аниқланди.

F<sub>1</sub> дурагайлари гуруҳида энг юқори ўсимлик маҳсулдорлиги Ишонч × Навбахор-2 (49,86 г), Ишонч × Тошкент-6 (46,12) ва Навбахор-2 × Ишонч (45,37 г) комбинацияларида, энг паст кўрсаткичлар эса Тошкент-6 × С-6524 (28,44 г), С-6524 × С- Тошкент-6 (32,42 г) ва Тошкент-6 × Навбахор-2 (33,26 г) комбинацияларида қайд этилди.

Оптимал сув режими шароитида генотипларнинг ҳеч бири барча белгилар бўйича устун бўлмаган бўлса, сув танқислигида Ишонч ва Навбахор-2 навлари ва уларнинг F<sub>1</sub> дурагайлари ўрганилган белгилар бўйича юқори кўрсаткичларга эга эканликлари аниқланди. Хар икки сув режимида ҳам ўсимлик маҳсулдорлиги ижобий ўта доминантлик ҳолатларда ирсийланди.

Ота-она навлари ва уларнинг F<sub>1</sub> дурагайларида ўрганилган белгилар бўйича генотипик, фенотипик ва муҳит вариансаларининг коэффицентлари 3-жадвалда келтирилган.

Сув билан оптимал таъминланганлик шароитида ГВК ва ФВК кўрсаткичлари мос равишда 4,19 % дан 6,99% гачани ва 5,13 % дан 12,45% гачани ташкил қилди. Сув танқислиги шароитида ГВК ва ФВК кўрсаткичлари мос равишда 3,71 % дан 18,41% гачани ва 4,36 % дан 23,50% гачани ташкил этди.

Оптимал суғориш режимида ГВК ва ФВК нинг кўрсаткичлари ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича мос равишда 6,99% дан 11,00% гачани, битта ўсимликдаги кўсаклар сони бўйича мос равишда 6,17% ва 12,45% ни ва кўсак оғирлиги бўйича мос равишда 6,30% дан 6,39% гачани ташкил этди.

Сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида ўрта толали ғўза ота-она навлари ва уларнинг F<sub>1</sub> дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари.

Вза навлари ва уларнинг F <sub>1</sub> комбинациялари	ОФ/МҚ	Битта ўсимликдаги кўсақлар сони, дона		Битта кўсақдаги пахта оғирлиги, г		Ўсимлик маҳсулдорлиги, г	
		M±SE	hp	M±SE	hp	M±SE	hp
Ишонч	ОФ	16,45±0,63	-	5,62±0,06	-	60,18±3,00	-
	МҚ	11,50±0,89	-	5,00±0,06	-	42,09±1,69	-
Навбахор-2	ОФ	14,80±0,53	-	5,80±0,06	-	57,18±3,38	-
	МҚ	10,30±0,85	-	5,13±0,06	-	42,14±1,42	-
Тошкент-6	ОФ	16,95±0,74	-	5,75±0,09	-	62,40±2,32	-
	МҚ	7,90±0,57	-	4,34±0,04	-	27,17±0,80	-
С-6524	ОФ	17,35±0,85	-	5,08±0,07	-	63,97±1,73	-
	МҚ	8,30±0,65	-	4,29±0,09	-	27,10±0,93	-
Ишонч х Навбахор-2	ОФ	15,20±0,69	-0,52	6,24±0,02	5,89	69,07±2,28	6,93
	МҚ	12,80±0,65	3,17	5,34±0,08	4,23	49,86±3,05	309,8
Ишонч х Тошкент-6	ОФ	17,00±1,06	1,20	5,73±0,04	0,69	74,15±2,86	11,59
	МҚ	8,95±1,05	-0,42	4,82±0,08	0,45	46,12±2,11	1,54
Ишонч х С-6524	ОФ	15,50±0,54	-3,11	5,51±0,08	0,59	70,74±3,20	4,57
	МҚ	11,25±0,45	0,84	4,84±0,04	0,55	43,52±2,00	1,19
Навбахор-2 х Ишонч	ОФ	14,50±1,02	-1,36	5,70±0,07	-0,11	75,65±3,63	11,31
	МҚ	10,30±0,85	-1,00	5,34±0,05	4,23	45,37±3,05	130,2
Навбахор-2 х Тошкент-6	ОФ	15,40±0,51	-0,44	6,22±0,07	-17,8	65,64±2,39	2,24
	МҚ	8,00±0,52	-0,46	5,43±0,05	1,76	38,49±1,28	0,51
Навбахор-2 х С-6524	ОФ	16,90±1,29	0,65	6,31±0,07	2,42	66,71±4,75	1,81
	МҚ	8,60±0,67	-0,70	5,56±0,07	2,02	41,81±2,58	0,96
Тошкент-6 х Ишонч	ОФ	19,20±0,73	10,00	5,45±0,05	-3,62	77,48±2,43	14,59
	МҚ	9,10±0,71	-0,33	4,54±0,07	-0,39	35,04±1,08	0,05
Тошкент-6 х Навбахор-2	ОФ	17,30±0,92	-1,33	5,38±0,06	-15,8	68,62±2,37	3,38
	МҚ	7,90±0,63	-1,00	4,46±0,08	-0,70	33,26±1,65	-0,19
Тошкент-6 х С-6524	ОФ	14,65±0,65	-12,5	5,52±0,05	0,31	64,75±1,94	1,99
	МҚ	7,05±0,49	-5,25	4,61±0,08	11,80	28,44±1,89	37,29
С-6524 х Ишонч	ОФ	15,20±0,90	0,76	5,42±0,06	0,93	70,24±2,53	1,19
	МҚ	7,60±0,34	-1,44	4,73±0,06	0,24	32,61±1,45	-0,26
С-6524 х Навбахор-2	ОФ	16,20±1,00	0,10	5,40±0,07	-0,11	67,17±2,45	1,94
	МҚ	8,20±0,44	-1,10	4,64±0,04	-0,17	32,86±0,93	-0,23
С-6524 х Тошкент-6	ОФ	14,60±0,69	-12,7	5,23±0,07	-0,55	63,79±1,82	0,77
	МҚ	8,10±0,35	0,00	4,57±0,10	10,20	32,42±1,22	151,0

Эслатма: М-Ўртача арифметик кўрсаткич; SE- Ўртача арифметик хато; ОФ-Оптимал фон; МҚ- Моделлаштирилган курфоқчилик

ГВК ва ФВК нинг кўрсаткичлари 1000 та чигит вазни бўйича мос равишда 5,23% ва 5,63% ни ҳамда тола чиқими бўйича мос равишда 4,19% ва 5,13% ни ташкил этди. Сув танқислиги шароитида ГВК ва ФВК нинг кўрсаткичлари ўсимлик маҳсулдорлиги бўйича мос равишда 18,41% ва 21,67%

ни, битта ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича мос равишда 15,68% ва 23,50% ни ва кўсақ вазни бўйича мос равишда 7,82% ва 8,34% ни ташкил этди (3-жадвал). ГВК ва ФВК кўрсаткичлари тола чиқими бўйича мос равишда 3,71% ва 4,36% ва 1000 чигит оғирлиги бўйича эса (мос равишда 3,78% ва 5,34% эканлиги аниқланди.

3-жадвал

Сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида ғўза навлари ва уларнинг F<sub>1</sub> дурагайлари морфо-хўжалик белгиларининг генотипик, фенотипик ва муҳит вариантларининг коэффицентлари, кенг маънодаги ирсийланиш ва генетик потенциаллик даражалари

Белгилар	ОФ/МҚ	GCV (%)	PCV (%)	ECV (%)	$h^2$	GG	GG (%)
Битта ўсимликдаги кўсақ сони	ОФ	6,17	12,45	10,7	0,24	1,01	6,31
	МҚ	15,68	23,50	17,50	0,44	1,97	21,60
Битта дона кўсақ ўгирлиги	ОФ	5,30	6,39	1,06	0,82	0,72	12,82
	МҚ	7,82	8,34	2,90	0,85	0,52	10,74
1000 дона чигит ўгирлиги	ОФ	5,23	5,63	2,08	0,86	1,32	10,04
	МҚ	3,78	5,34	3,77	0,50	0,64	5,52
Ўсимлик маҳсулдорлиги	ОФ	6,99	11,00	8,50	0,40	6,17	9,16
	МҚ	18,41	21,67	11,44	0,72	12,06	32,25
Тола чиқими	ОФ	4,19	5,13	2,97	0,66	2,67	7,05
	МҚ	3,71	4,36	2,29	0,72	2,51	6,51

Изоҳ: GCV%: -генотипик вариантлар коэффицентлари; PCV%: -фенотипик вариантлар коэффицентлари; ECV%: -муҳит вариантлар коэффицентлари;  $h^2$ : -Кенг маънодаги ирсийланиш даражаси; GG: -генетик потенциаллик даражаси

Кўсақ оғирлиги, 1000 та чигит вазни, ўсимлик маҳсулдорлиги ва тола чиқими бўйича кенг маънодаги ирсийланиш даражаси аниқланганда, битта ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича кенг маънодаги ирсийланиш паст даражада эканлиги қайд этилди.

Бизнинг тадқиқотларимизда сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида турли белгилар бўйича генетик потенциаллик мос равишда 6,31 % дан 12,82% гачани ва 5,52% дан 32,25% гачани ташкил этди. Юқори генетик самара ўсимлик маҳсулдорлиги (мос равишда 9,16% ва 32,25%), кўсақ оғирлиги (мос равишда 12,82% ва 10,74%) ва битта ўсимликдаги кўсақлар сони (мос равишда 6,31% ва 21,6%) бўйича қайд этилди. Сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида ушбу самара 1000 та чигит вазни (мос равишда 10,04% ва 5,52%) ва тола чиқими (мос равишда 7,05% ва 6,51%) бўйича паст бўлди (3.-жадвал). Ўсимлик маҳсулдорлиги ва кўсақ оғирлиги бўйича юқори ирсийланиш даражаси ва генетик самарадорлик қайд этилди.

Ғўза навларида қимматли-хўжалик белгиларининг сув танқислиги шароитида умумий комбинацион қобиляти ўрганилганда, Ишонч ва Навбахор-2 навлари Тошкент-6 ва С-6524 навларига нисбатан юқори эканлиги

кайд этилди. Ишонч ва Навбахор-2 ғўза навлари ўрганилган белгилар бўйича сув танқислигига чидамли ижобий донор эканлиги аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Турли сув режими шароитларда ғўза навларининг умумий комбинацион қобиляти

Ѓўза навлари		Ўсимлик маҳсулдорлиги	Битта ўсимликдаги кўсак сони	1000 та чигит вазни	Битта кўсакдаги пахта оғирлиги	Тола чиқими
Ишонч	ОФ	2,32	0,11	2,22	0,01	0,07
	МҚ	4,69	1,26	2,58	0,10	0,12
Навбахор-2	ОФ	-1,42	-0,44	0,69	0,21	-0,03
	МҚ	3,35	0,43	2,16	0,28	0,50
Тошкент-6	ОФ	0,08	0,43	-0,59	-0,02	-0,38
	МҚ	-3,88	-1,00	-2,83	-0,21	-0,21
С-6524	ОФ	-0,98	-0,11	-2,33	-0,20	0,35
	МҚ	-4,16	-0,69	-1,91	-0,16	-0,41

Бобнинг тўртинчи бўлимида турли сув режими шароитларида  $F_2$  дурагай комбинацияларида ўсимлик маҳсулдорлиги, битта ўсимликдаги кўсаклар сони, 1000 дона чигит оғирлиги, тола чиқими ва кўсак оғирлиги белгиларининг ўзгарувчанлик кўлами ва ирсийланиш даражалари аниқлаш бўйича олган маълумотлар келтирилган.

Дисертациянинг тўртинчи боби “Сув билан оптимал таъминланганлик ва сув танқислиги шароитларида ингичка толали ғўза нав ва тизмаларининг  $F_1$  дурагайларида физиологик ва морфо-хўжалик курсаткичларининг гибридологик таҳлили” да ўрганиш бўйича олинган натижалар баён этилган.

Бобнинг “Сув билан турлича таъминланганлик шароитларида ингичка толали ғўза нав ва тизмаларидаги физиологик кўрсаткичлари ва уларнинг гибридологик таҳлили” деб номланган биринчи бўлимида, ингичка толали ғўза нав ва тизмаларининг физиологик кўрсаткичлари натижалари келтирилган. Сув танқислигида барча ўрганилган ота-она шакллари ва дурагайлар генотипларида барглардаги умумий сув миқдори турли даражада камайди. Бунда ота-она шакллари гуруҳида белгининг энг юқори кўрсаткичлари Т-450, Т-2006, Т-10 ва Т-663 тизмаларида (мос равишда 76,3%; 75,0%; 74,9%; 74,5%), энг паст кўрсаткич эса Сурхон-14 навида (67,1%) қайд этилди. Нав ва тизмаларнинг  $F_1$  дурагайларида БУСМ белгисининг энг юқори кўрсаткичлари Т-167 х Т-1 (79,6%), Т-2006 х Сурхон-14 (79,1%) ва Т-450 х Т-167 (79,0%) комбинацияларида, энг паст кўрсаткич (69,6%) эса Т-663 х Т-450 дурагайида аниқланди.

Доминантлик коэффициенти ( $h_p$ ) кўрсаткичларининг таҳлилига кўра, сув танқислиги шароитида БУСМ белгиси 24 та  $F_1$  дурагайларининг 13 тасида ижобий ўта доминантлик, 1 тасида салбий ўта доминантлик, 3 тасида юқори

